



Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти 221200 Янгибозор шаҳарчаси, тел.:(0-362) 41-94-141, факс: (0-362) 41-94-255
O'zbekiston Respublikasi Xorazm viloyati 221200 Yangibozor shaharchasi, tel.:(0-362)41-94-141, faks:(0-362) 41-94-255

2020 йил "15" август

№ 1319

Янгибозор шаҳарчаси

Янгибозор тумани Боғолон қишлоғининг "Санжар" массивидан "Yangibozor Lacol Trading Centre" МЧЖга "Қорамолчилик" комплекси қурилиши учун доимий фойдаланишга ер майдони ажратиш тўғрисида

Хоразм вилояти ҳоқими Ф.Эрмановнинг 20.08.2020 йилдаги №292-сонли йиғилиш баёни ижросини таъминлаш мақсадида, Янгибозор тумани Боғолон қишлоғининг "Санжар" массивидан "Yangibozor Lacol Trading Centre" МЧЖ раҳбари Р.Мазяеванинг тумандаги дехқон бозорида арзон нархда гўшт махсулотлари етказиб бериш учун "Қорамолчилик" комплекси қурилиши учун ер майдони ажратиш беришни сўраб ёзган ёзишмасини, вилоят қурилиш бош бошқармасининг хулосасини, вилоят Давлат экологик экспертизаси маркази давлат УҚнинг хулосасини, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимининг хулосасини, Янгибозор туман СЭОМнинг хулосасини, туман ФВБнинг хулосасини, шунингдек қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган ва бошқа эхтиёжлар учун ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг далолатномасини ва бошқа тақдим қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 6-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 6, 10, 25-моддасига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н

1. Хоразм вилояти ҳоқими Ф.Эрмановнинг 20.08.2020 йилдаги №292-сонли йиғилиш баёнининг ижроси раҳбарлик ва маълумот учун қабул қилинсин.
2. Қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган ва бошқа эхтиёжлар учун туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг Янгибозор тумани Боғолон қишлоғининг "Санжар" массивидан "Yangibozor Lacol Trading Centre" МЧЖга "Қорамолчилик" комплекси қурилиши учун доимий фойдаланишга ер майдони ажратиш тўғрисидаги далолатномаси тасдиқлансин.
3. Янгибозор тумани Боғолон қишлоғи, қишлоқ хўжалик ер харитасининг 9қ-контурида жойлашган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 1,5 га (15000,0 кв.м) ер майдони "Yangibozor Lacol Trading Centre" МЧЖга "Қорамолчилик" комплекси қурилиши учун доимий фойдаланишга ажратиш берилсин.
4. "Yangibozor Lacol Trading Centre" МЧЖга:
 - вилоят қурилиш бош бошқармасидан архитектура-режалаштириш топшириқларини (АРТ-1, АРТ-2) ишлатиш;
 - тегишли тартибда қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлатиш ва тасдиқлатиш;
 - Ер участкаларига бўлган ҳуқуқнинг Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида Гувхнома олиш вазифаси юклатилсин.
5. "Yangibozor Lacol Trading Centre" МЧЖ раҳбари Р.Мазяевага ажратиш берилган ер участкасида икки йил мобайнида фойдаланмаган тақдирда ва бошқа мақсадларда фойдаланилганда, қонунларда белгиланган тартибда туман ҳокимининг қарори беқор қилиниши юзасидан огохлантирилсин.
6. Туман қурилиш бўлими (О.Давлетов)га ва туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов) ушбу қарорга асосан белгиланган тартибда ажратилаётган ер майдонини бош лойиҳа асосида жойи (натура)да белгилаб бериш ҳамда қурилишини шаҳарсозлик норма қоидалари асосида назорат қилиш топширилсин.

7. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов) га ушбу ажратилган ер айдоинини ер мувозанатини тузишда ҳисобга олиш, туман Давлат солиқ инспекцияси (Ғ.Ғабдураҳимов) га белгиланган тартибда солиққа тортиш вазифалари топширилсин.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Тулиевга юклатилсин.

Янгибозор туман ҳокими



У.Курбанов